# 1 июлдан қонунчиликда қандай ўзгаришлар кучга киради?

Қорақалпоғистоннинг айрим туманларига бориб ишловчи шифокорларнинг ойлик лавозим маошига 100 фоиз миқдорида ҳар ойлик устама тўланади;

Пенсияни тайинлашда фуқаролардан бир қатор ҳужжатларни талаб қилиш бекор қилинади;

«Тонировка» нархи арзонлашади;

Олис ва чекка ҳудудларда фаолият юритаётган шифокорлар ойлик иш ҳақига қўшимча 2 миллион сўм миқдорида ҳар ойлик устама тўланади;

Ҳомиладор ва бола эмизувчи аёллар ҳамда 3 — 15 ёшдаги болалар йод препарати билан бепул таъминланади (http://old.lex.uz/docs/5530091);

Автомобиль йўллари соҳасига тегишли маълумотлар базасини ўз ичига олган «Shaffof yo'l» платформаси тест режимида ишга туширилади (http://old.lex.uz/docs/5845985);

Давлат ташкилотлари фаолиятида Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш тизими жорий этилади (http://old.lex.uz/docs/5819319);

6 турдаги лицензия ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни олишдаги айрим талаб ва шартлар бекор қилинади (http://old.lex.uz/docs/5971599#5974244);

Театр ходимларининг лавозим маошлари оширилади (http://old.lex.uz/docs/5799769);

Бир божхона постида уч йилдан ортиқ хизмат ўтаган ходимларни ротация қилиш тартиби (http://old.lex.uz/docs/5998615) жорий этилади;

Очиқ маълумотлар давлат органлари расмий веб-сайтининг бош саҳифасида алоҳида бўлимга жойлаштириш талаб этилади.

2022-06-29 16:20:13